ҚҮЛБОЛА "ҚУШЛАР" ОЗУҚА СОЧАР

АНДИЖОН. Хўжаобод туманидаги "Иттифоқ" жамоа хўжалиги экинзорларига дельтапланларда кимёвий ишлов берилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, бундай "қушлар" кунига 150-200 гектар майдонга ҳаводан туриб ишлов бериши мумкин экан. ОВХ трактори билан ҳар гектар ерни кимёвий парваришлашга 800 сўм сарфланса, қўлбола "қушлар" ёрдамида бундай харажат 200-300 сўмга тушар экан. Муҳими, экинлар тупига зарар етмайди. Тумандаги Абдуллажон Нурматов номли пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишбилармонлари яна 10 та ана шундай моторли дельтапландан келтиришни мўлжаллашмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

БОҚЕЛАР.

ОҚТОВ ТЕЛЕМИНОРАСИ

САМАРҚАНД. Вилоятнинг Нуробод туманидаги Оқтов чўққисига телеминора ўрнатилди. Мақсад — Пастдарғом, Гўзалкент, Нуробод туманлари ва Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани аҳолисини Нуробод телевиденнеси томошаларидан бахраманд қилишдир. Телемарказ бошлиғи Нажмиддин Каримовнинг фикрича, ҳафтада уч кун кўрсатувлар берилмоқда. Муҳими, минглаб томошабинлар Янги йил базми ва Рамазон ойи туфҳаларини томоша қилишга мушарраф бўлдилар.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

ЭЛГУМАКЛАР.

ЙИГИРМА БЕШ ТЎЙ БОЛА

НАВОИЙ. Вилоят болалар жамғармаси бўлими ташаббуси билан "Мурунтов" ошхонасида катта тўй бўлиб ўтди. Бу ерда мехрибонлик уйида тарбияланаётган йигирма беш нафар болакайнинг суннат тўйи нишонланди. Савобли тадбирга вилоят божхона бошқармаси, паррандачилик ҳиссадорлик жамияти, 23- автокорхона ҳамда Карманадаги иссиқхона жамоаси ҳомийлик қилишди. Тўйда болакайларга тўн-дўппи кийдирилиб, совғалар инъом этилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ХАБАРЛАР

БУЮК ҲАДИСШУНОС ЁДИ

ТОШКЕНТ. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитасида оммавий ахборот воситаларида диний мавзуларнинг ёритилишига бағишланган йиғилиш бўлди. Ислом оламининг машҳур шайхларидан бири — ҳадисшунос ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини ҳалқаро миқёсда, ЮНЕСКО раҳнамолигида нишонлаш, Оила йилида дин ва оила муносабатлари, муборак ҳаж сафари каби масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Ҳайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 январь, душанба • № 2 (22.239).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

☑ *Қорақалпоғистон Давлат университети қошида юртбошимиз томонидан илгари сурилган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва амалга татбиқ этиш бўйича сиёсий клуб тузилди. У уч йўналиш бўйича иш олиб боради: қонунлар лойиҳасини кенг муҳокама этиш, жойларда ислоҳотларни амалга ошириш йўлида тавсиялар бериш ва талабалар орасида тарбиявий ишларни жонлантириш.*

* * *

☑ *Пойтахтимизда талабаларнинг архитектура, дизайн, монументал-безакли ва манзарали амалий санъатга доир лойиҳа ва ишларнинг халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда республикамиз талабаларидан ташқари Қирғизстон, Қозоғистон ва Россия олий ўқув юртларидан ҳам вакиллар қатнашди. Ушбу танловда республикамиз вакиллари биринчиликни қўлга киритишди.*

* * *

☑ *Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида Президентнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қамайтириш ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлашга доир фармонлари, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.*

* * *

☑ *Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқлари оралиғидаги йўлларда «Андор» («Андижон — Оренбург») Ўзбекистон ва Россия қўшма корхонасига қарашли «Тико» машиналари йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади, яъни водийда яшовчиларнинг буюртмаларини бажариб, уларни республикамиздаги барча манзилларгагина эмас, балки Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларидаги манзилларга етказмоқда. Бундан ташқари шаҳардаги бешта йўналишда 32 та янги «Дамас» қатнаб турибди.*

ҲАМКОРЛИК ҚЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

4 январь куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов мамлакатимизга амалий ташриф билан келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов кутиб олди.

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов Тожикистон ҳукумати танлаган йўл, яъни — сиёсий музокаралар ва муроса йўли - бутун жаҳон ҳамжамияти, БМТ, ушбу тупроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини истайдиган барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётган йўл эканини таъкидлади.

СУРАТДА: музокаралар пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

И. Раҳмонов Ўзбекистон—Тожикистон муносабатлари ўзининг янги, мустаҳкамланиш ва тараққиёт даврига ўтаётганидан мамнуният билдирар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижалари, бу йўлда орттирилган тажрибага юқори баҳо берди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган суҳбат чоғида Президентлар икки давлат ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентларнинг юзма-юз суҳбати ниҳоясига етгач, улар иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда Тожикистоннинг мамлакатимизга қарзи ва уни тўлаш шакллари муҳокама қилинди ҳамда бу хусусдаги битим юзасидан келишувга эришилди. Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиё интеграцияси минтақадаги ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий равнақ топиш йўлидаги устувор йўналишлардан бири эканини эътироф этдилар. Шу маънода Тожикистон томони минтақадаги давлатлар, халқлар ўз тарих ва тақдирининг бир-бирига яқинлиги ва узвий боғлиқлигига яна бир далил сифатида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисидаги шартномага қўшилиш истагида эканини тасдиқлади. Ўзбекистон томони бу истакни қўллаб-қувватлади.

Ислом Каримов ва Имомали Раҳмонов томонлар кўплаб халқаро масалалар бўйича ҳам яқин ёки ўхшаш нуқтаи-назарда эканликларини айтдилар. Хусусан, Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам этник, ирқий ва диний асосдаги ҳар қандай низони ва экстремизмни қоралайди. Томонлар Марказий Осиёда яқин ҳамкорлик ва ўзаро бирдамликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш борасида биргаликда саъй-ҳаракат қилишга, шу мақсадларда БМТ, ЕҲҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида мунтазам маслаҳат учрашувлари ўтказиб туришга келишиб олдилар.

Мамлакатларимизда ўзаро маданият кунларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон томони киритган таклиф Тожикистон делегацияси томонидан қўллаб-қувватланди.

Расмий делегацияларнинг мулоқоти сўнггида икки давлат раҳбарлари қўшма баёнотга имзо чекдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Бош вазирлари — Ўткир Султонов ҳамда Яҳё Азимов икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида соғлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳа, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида юк ташиш ҳамда газ етказиб бериш, Тожикистон Республикасининг қарзи бўйича ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги битим ҳам имзоланди.

Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

— Шу кунгача, — деди Ислом Каримов, — мамлакатларимиз ўртасида ўттиздан ортиқ ҳужжат имзоланган. Товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда 50 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу аввалги йилгига қараганда 50 фоиз кўпдир. Айримлар МДҲ давлатлари ўртасида савдо ҳажми тобора камаяётганини таъкидлашади. Лекин кўриниб турибдики, Ўзбекистон-Тожикистон савдо маносабатларининг ўзи ҳам бу гапни рад этади.

Ислом Каримов сўнгги бир неча йил мобайнида Тожикистонда ҳукм сўриб келган беқарорлик хусусида тўхталиб, бундай деди:

— Ушбу тупроқда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам жуда манфаатдордир. Ахир, қўшни мамлакатда барқарорлик ўрнатилмас экан, биз ислоҳотларни қандай қилиб ҳавотирсиз амалга оширамиз? Айтиш керакки, Тожикистонда тинчлик ва миллий келишувни қарор топтириш тўғрисидаги умумий битим имзолангач, бу мамлакатда ижобий жараёнлар бошланди ва комил ишонч билан айтаманки, бу жараённинг муқобили йўқ.

Ислом Каримов Тожикистондаги инқироз фақатгина Тожикистон ҳукумати ёки халқининг муаммоси эмаслигини таъкидлади. Умумий битим имзоланганидан сўнг бошланган жараёнга Тожикистонда тинчлик қарор топишидан манфаатдор бўлган давлатлар ҳам кўмаклашиши лозимлигини қайд этди. Чунки, деди у, олти йиллик уруш айни вақтда Тожикистонни ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдамга муҳтож қилиб қўйди.

Тожикистон раҳбари ўзи учун бирадар юрт Ўзбекистонга ташрифининг бош шаббускори Ислом Каримов эканини айтди. У кенг қамровли ҳамкорлик учун давлатларимизнинг имкониятлари етарли эканини қайд этиб, ўзаро алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

— Мазкур ташриф Ислом Каримовнинг таклифи билан амалга ошди, — деди И. Раҳмонов. — Шунинг учун мен узоқни кўра биладиган, инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, бу бағри кенг инсонга ташаккур айтаман.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган масалалардан бири Тожикистоннинг Ўзбекистонга қарзи ва уни тўлаш тартиби ҳақида бўлди. Бу хусусдаги саволга Ислом Каримов қўйидагича жавоб қайтарди:

— Тожикистоннинг мамлакатимизга қарзи бир неча йиллар давомида йиғилиб келган ва ҳозир тахминан 180 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳозиргина имзоланган ҳужжатга кўра, бу қарз пул шаклида тўланмайди, балки икки томонлама ҳисоб-китоб асосида амалга оширилади. Масалан, биз Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош айрим ҳудудларидаги транспорт коммуникацияларидан фойдаланамиз. Шунинг эвазига Тожикистон қарзининг маълум қисми қопланади. Ўтган йили ана шундай усул билан 44,5 миллион доллар қарз узилган эди.

Шу билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. У шу куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Анвар БОБОЕВ. (ЎзА).

Дангал гап

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ

Тилимизга ҳақ сўроққа «ҳа» деган жавоб келади.

— Тоғларга қор тушди, йўллар беркилди, — дейди Шаҳрисабз деҳқон бозорига тоғли Чопиқ қишлоғидан тушиб келадиганлардан бири. — Рўзғорга зарур нарсаларни олгани келгандик.

— Қишлоқларингизда дўкон йўқми? — дея суҳбатга аралашдик. — Керакли маҳсулот ва молларни етказиб беришмайдими?

— Борликка бор... Йўлларни қор босгач, уч-тўрт ой машина юролмайди. Натижада дўкондаги озиқ-овқат маҳсулотлари етишмай қолади. Қани энди ун, ёғ, шакар, совун каби нарсаларни ғамлаб қўйишса...

Юксак қояларга ёндош Чопиқ қишлоғидан тушиб келган бу киши дил истагини айтди-қўйди. Негаки, бу ташвиш ҳар йили бор. Масалан, ўтган йили Чунгурат қишлоғи аҳолисига сотиш учун ажратилган маҳсулотларни ортган юк машинаси Бешбек қишлоғидан нарига ўтолмади. Чунки ҳаракат бутунлай тўхтаган пайтлар бўлади. Айниқса, «Оқдарё» ва «Ҳисор» жамоа-ширкат хўжаликлари қамровидаги Чакки, Ғелон, Кўл, Хуммон, Ахмати, Шўри Ҳасан каби 27 та тоғ қишлоғи аҳолиси қиш даврида қийналиши рост. Шароитни ҳисобга олиб, аҳолига керакли маҳсулотларни дўконларга олдиндан етказиб берса бўлмайдими?

Бўлади. Мироқи очиқ савдо ҳиссадорлик жамияти ходимларининг ҳисоб-китоби бўйича ана шу тоғ қишлоқлари аҳолиси учун қиш даврида 1061 тонна ун, 15 тонна чой, 68 тонна туз, 25 тонна ёғ, 75 минг дона совун ва бошқа зарур товарлар етказиб берилиши лозим. Бунинг учун камида 98 миллион сўм маблағ зарур. Кичик савдо ташкилотининг бунга имконияти йўқ. Таъминот идоралари ҳисобланган «Шаҳрисабз» очиқ дон ҳиссадорлик жамияти, Косон ёғ-экстрация корхонаси, Қарши баққоллик идораси, «Қаршитуз» ташкилоти олдиндан тўлиқ пул ўтказмасдан туриб, маҳсулотларни беришга унамаяпти.

— Бу чиндан ҳам жиддий муаммо, — дейди Шаҳрисабз туман (ҳозир Шаҳрисабз шаҳри ҳам қўшилган) ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Шуҳрат Алланазаров. — Уни амалда ҳал қилиш учун вилоят ҳокимлигига мурожаат қилдик. Ҳозир ҳамма чораларни кўришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳа, тоғлардаги қишлоқлар аҳолисига хизмат кўрсатиши керак бўлган Мироқи савдо ташкилотининг бирданига 90 миллион сўмга яқин маблағ топишга, яна банкка 20 миллион сўмдан ортиқ ошиқ устама тўлашга қурби етмайди. Таъминотчи ташкилотлар қарзга маҳсулот бермайди. Бундай шароити оғир қишлоқлар биргина Шаҳрисабз туманида эмас, Китоб, Деҳқонобод, Яккабоғ, Чироқчи туманларида ҳам анчагина.

Кийиклар ўтадиган сўқмоқлар орқали бориладиган тоғ қишлоқлари ота-боболаримиз ёқиб кетган чироқ. Улар ўчмаслиги керак, ўчмайди ҳам. Президентимиз Қашқадарё вилоятида ишлаган кезларида юксак чўққиларга ёндош бундай тоғ қишлоқларига шахсан ташриф буюрганлар. Натижада уларнинг шароитини яхшилаш чоралари кўрилган. Олдинги йили ҳукуматимизнинг алоҳида қарори чиқиб, Қашқадарё вилоятидаги ўнга яқин тоғ қишлоқларига электр узатгичлари ўрнатилди. Китоб туманидаги айрим тоғ қишлоқлардаги аҳоли телевидение кўрсатувларидан баҳраманд бўлишмоқда. Аммо, фикримизча, тоғлар бағрида қарор топган қишлоқларни иқтисодий, маданий-маиший жиҳатдан янада ривожлантириш, меҳнат ва иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг алоҳида дастури зарур. Олайлик, ўша «Ҳисор» ва «Оқдарё» хўжаликларида мева, сабзавот, картошка етиштириш, чорвачиликни ривожлантиришнинг катта имкониятларидан етарли фойдаланилмай келинмоқда. Энди-энди адирларга сув чиқариш, фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириш бошланди. Дон етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотларни ўзларида қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этишга етарли эътибор берилмаяпти.

Вилоятдаги, жумладан, Шаҳрисабз туманидаги мураккаб шароитдаги тоғ қишлоқлари аҳолисини мунтазам (ёки бир йўла) озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, керакли маблағни ажратиш масаласига келсак, у ҳал бўлиши лозим. Таъминотчи ташкилотлар бу муҳим ишга бош қўшишлари керак. «Савдогарбанк»нинг вилоят ва туманлардаги бўлимлари олган ва олаётган фойдалари ҳисобидан бир қисм маблағни ажратсалар, ҳеч қандай зарар кўрмайдилар. Юртбошимизнинг «Банклар ҳамкор бўлишлари керак» деган даъватлари улар учун асосий дастур бўлиши лозим. Ва вилоят ҳокимлиги бу масалани ижобий ҳал қилишга қурби етади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙИЛ НЕГА 365 КУН?

Нега баъзан йиллар 365 кун, айримлари 366 кун? Бу саволга жавоб топиш учун тақвим тарихи зарварақларини кўздан кечиришга тўғри келади.

Инсоният тарихида тақвимнинг асосан шамсий, қамарий ва шамсий-қамарий тизимлари бор. Шамсий тақвимлар ичида энг оддийси ва кўҳналаридан бири қадимги Миср тақвимидир. Милоддан илгариги 3—4 минг йилликда Миср астрономлари мамлакат ҳаёти учун ғоят катта аҳамият касб этадиган Нил дарёси тошқинини Сириус юлдузи эрта тонгда илк бор «мўралаганидан» кейинроқ рўй беришини пайқашганди.

Шундай қилиб, жуда қадимдаёқ йилнинг давомийлиги 365 кун, деб белгиланган.

Ҳозирги вақтда ҳам Туркия ва Покистонда қўлланадиган мусулмон тақвими қамарий тақвимга мисол бўла олади. Унда йил фаслларининг алмашуви деярли ҳисобга олинмаган.

Қамарий тақвим бўйича ҳар бири 29 ва 30 кунлик 12 ойдан ташкил топган. Демак, қамарий йил гоҳ 354, гоҳ 355 кундан иборат. Бундан ташқари, бу тақвим бўйича йил ҳисоби Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақтидан, бизнинг йил ҳисобимиз бўйича 622 йилнинг 16 июлидан бошланади.

Қамарий йил шамсий йилдан 11 кун қисқа бўлганлиги учун мусулмон тақвимида биз ҳозир қўллаётган тақвимга нисбатан йил ҳар гал 11 кун илгари келади.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қўлланилаётган тақвимнинг ибтидоси қадимги Рим календари ҳисобланади. У 304 кундан таркиб топган эди. Кейинчалик улар қаторига январь (29 кун) ва февраль (28 кун) ойлари қўшилади. Айни вақтда 30 кунлик ойлар 29 кунга келтирилиши натижасида ўша давр Рим йили жами 355 кундан иборат бўлди.

Орадан йиллар ўтди. XVI аср охирида Рим католик черковининг бошлиғи папа Григорий XIII тақвимдаги бу тафовутни йўқотиб, баҳорги тенг кунлик, яна 21 мартга қайтадиган ва келажакда ҳар доим мазкур тақвим санасига мувофиқ келадиган қилиб тўғрилаш учун махсус комиссия тузди.

Комиссия итальян математиги ва шифокори Луижи Лилио тузган тақвим лойиҳасини маъқул топди. Папа Григорий XIII мазкур лойиҳани 1582 йил февралида қабул қилиб, махсус фармон чиқарди, кун ҳисобини 10 кеча-кундуз олдинга сурди. Шундай қилиб, 1582 йил 4 октябридан кейинги кун 5 эмас, балки 15 октябрь деб ҳисобланадиган бўлди. Натижада баҳорги тенглик яна 21 мартга тўғри келди.

Акбар АЛИЕВ.

Партия ахбороти

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ – ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида «Пахтасаноат» республика илмий маркази ва Низомий номидаги Тошкент Давлат олийгоҳи бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқий тарбия ва кишиларнинг сиёсий фаоллигини такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўрилди. Маълумки, республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг устувор йўналиши ва асосий мақсадларидан бири айнан инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Ушбу масала юзасидан бошланғич партия ташкилоти котиблари ва комиссия аъзоларининг ахборотлари тингланди.

Ушбу бошланғич партия ташкилотларида ҳуқуқий тарбияни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлиги мажлисда алоҳида қайд этилди. Шу мақсадда партия мажлислари, сиёсий клублар, конференция, семинар машғулотларидан фаол фойдаланилаётганлиги, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот берувчи сиёсий бурчаклар ташкил этилганлиги ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказлари фаолият кўрсатаётганлиги эътиборга сазовордир. Шу қаторда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда олийгоҳда нашр қилинаётган кўп нусхали газета ҳам ёрдам бераяпти. «Пахтасаноат» бошланғич партия ташкилоти «Маънавият ва маърифат» жамоат марказининг туман бўлими билан ўзаро шартнома тузиб, ушбу мавзудаги тадбирларни ўтказиш билан бирга ташкилот қошида тузилган юридик хизмат кўрсатувчи фирма ёрдамида мунтазам равишда янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар ҳақида меҳнат жамоасига ахборот бериб бориш билан бирга ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатаяпти.

Шу билан бирга ушбу бошланғич партия ташкилотларида инсонларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишлари ҳали етарли даражада эмаслиги ва Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини, партия Дастури ва низомидаги асосий қоидаларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари бўшаштириб юборилганлиги таъкидланди. Бу эса ташкилотларда партия сафларининг мустаҳкамланиши ва ўсишига салбий таъсир кўрсатган.

Ижроия бюро муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Т. ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг матбуот котиби.

ЧЎЛПОНГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззах туманидаги О. Икромов номли 4-мактабда атоқли шоир, эрк куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда «Чўлпон ва маънавият» мавзуида маърузалар тингланиб, шоирнинг миллат эркинлиги ва ҳурлигини тараннум этувчи шеърлари янгради. Кеча сўнггида шоирнинг «Ёркиной» пьесаси асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди.

А. ОМОНБОЕВ.

ЖУННИ БЕҒОНА ҚИЛМАЙ

Навоий вилояти марказида «Искандар» кичик корхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда йилига 1000 тонна жунни қайта ишлаб, 400 тонна тайёр маҳсулот бериш имконияти бор. Корхонадаги асбоб-ускуналар замонавий бўлиб, асосан хориждан келтирилган. У ерда 10 киши меҳнат қилмоқда. Қўшимча цехлар қурилгач бу ерда қўй жуни қатори туя, эчки жунини ҳам қайта ишлаш имконияти яратилади.

М. ШАРОПОВ.

НУКУС. Уюшмамиз муҳандис-техниклари ва ишчилари бир оила фарзандларидек аҳил меҳнат қилишга аҳд қилишган. Ўтган йили эришилган меҳнат самаралари чакки бўлмади. 125 миллион сўмлик соф фойда билан йил якунланди. Ҳар бир ишчига 750 сўмлик акция учун 943 сўм 93 тийиндан дивидент тўланди. Фойда

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

ҳисобидан Элликқалъа туманида бир кеча-кундузда 10 тонна маҳсулот тайёрлайдиган новвойхона, Нукусда 32 квартирали уйжой қуриб битказилди. Янги йилдан бошлаб бир кеча-кундузда 18—20 тонна омухта ем ишлаб чиқарадиган цех ишлай бошлади. Кам таъминланган оилалар, фахрийлар ва ногиронларга 125 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Янги йилда ҳам уюшмамиз аъзолари бир оиладек баҳамжиҳат, қўлни-қўлга бериб эзгу ниятлар йўлида саъй-ҳаракат қиладилар.

Гулзира ЕРИМБЕТОВА,
«Қорақалпоқдонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси бош корхонаси раиси.

Менда **таклиф** *бор*

НЕФТЬ ҚУВУРИ ЗАРУР

Мамлакатимизда нефть мустақиллигига эришилгани, шубҳасиз халқимизнинг улкан ютуғидир. Энди уни мустаҳкамлашимиз, қолаверса жаҳоний кенгликларга олиб чиқишимиз лозим. Аммо нефть маҳсулотларини ташиш, уни мамлакатимизнинг у четидан бу четига етказиб беришда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Баъзан темир йўл, баъзан автоуловлар панд бераяпти. Оқибатда, нефть маҳсулотларимиз етарли бўлса-да, унда-бунда тақчилликлар кўзга ташланмоқда. Менимча, бунга қатъий чек қўйиш мумкин. Бунинг учун мамлакатимиз ичида тезлик билан нефть қувурлари ётқизиш зарур. Масалан, Қамчиқ довони орқали Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводлари пойтахтимиз билан боғланса ёки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Қашқадарё ва Сурхондарё, Самарқанд вилоятларига туташтирилса, ташиш билан боғлиқ кўп муаммолар ўз ечимини топарди.

Д. САФАРОВ,
Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани.

ШУНДАЙ КУТУБХОНАМИЗ БЎЛСА...

Китоблар инсонга энг яқин дўст ҳисобланади. Инсоннинг тафаккурини шакллантиришда, маънавий дунёсини бойитишда китобнинг аҳамияти беқиёс. Илм олишни истаган киши ҳаётини китобсиз тасаввур қила олмайди.

Шаҳримизда йирик, бой кутубхоналар мавжуд. А. Навоий номли, «Турон» кутубхоналари шулар жумласидан. Лекин керакли китобни ахтариб топиш учун баъзан у кутубхонага, баъзан бу кутубхонага чопиб қоласан, киши.

Пойтахтимиздаги катта-кичик кутубхоналар бир жойга, йирик замонавий бинога жойланса, каталоглар тизими ўрнига махсус компьютер тизими ишга туширилса, китобхон ўз ишини тез ва аниқ бажара олган бўларди. Ана шунда кун бўйи у кутубхонадан бу кутубхонага чопиб, соатлаб каталоглар олдида ўтиришлар бўлмасди. Ахир кўпгина ривожланган мамлакатларда бу усулдан кенг фойдаланилади-ку. Нега бизда шундай қилинмайди.

Норали АСЛОН,
Тошкент шаҳри.



БАХТЛИ БОЛАЛИК. **Шавкат АКРОМОВ олган сурат.**

БУЮКЛИК —

Кузатишлар оила ажримларининг ялқовлик ва ароқхўрлик

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисда юртбошимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилди ва оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак, деб уқтирди.

Ҳақиқатдан ҳам оила давлат ичкарисидаги биринчи, бетакрор, ўзига хос қонунлар ва тамойилларга кўра вужудга келувчи ва мавжуд бўлувчи шундай дунёки, унда ижтимоий ҳаёт, авлодлар давомийлиги таъминланади, урф-одатларимиз, ижтимоий хотира муқаддаслиги, этник маданият сақланади ва ривожлантирилади, ижтимоий тажриба авлодлардан авлодларга берилади, охири-оқибатда мамлакатнинг гули бўлган шахс шаклланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлатнинг келажаги оиланинг бугуни ва истиқболи билан, соғломлиги ва диёнатлилиги, инсонпарварлиги ва баркамоллиги билан белгиланади.

Бугунги кунда ёшларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг, келажаги буюк давлатни яратишнинг фидоийлари бўлиб шаклланишида ота-оналарнинг мустақилликни, унинг тарихий аҳамиятини, илгариги силжишимиздаги ролини англашларига бевосита боғлиқ. Агар оилада ота ва она мустақилликка қорин психологияси, идеологияси нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлса, шу нуқтаи назардан уни баҳоласалар уларнинг оила аъзолари ҳам мустақиллигимизга худди шундай қарайди, баҳолайди.

Оилани ҳар бир куни болани -- сўз хатти-ҳаракат, меҳнат, муносабат, баҳолаш каби фаолиятнинг турли андозаларию, шакллари билан таништириб боради. Бола нафақат ота-оналари, опа-акалари, қўни-қўшниларини эшитади, балки ўзига нисбатан кўрсатилаётган муносабатни гўдакларга хос нафислик билан ҳис этади, баҳолайди ҳам.

Бундан ташқари у ўзининг имкониятларига кўра оилавий муносабат ва ташвишларга қўшилиб ҳам кетади. Шундай қилиб гўдак аста-секинлик билан жамиятга кириб кела бошлайди. Албатта, ижтимоий ҳаёт деганда мураккаб жараёнга, у ота-онанинг қўлини ушлаб кириб кела бошлайди.

Демак, биз ўзимизнинг тарбиявий-мафкуравий ишларимиздан ота-оналар билан ишлаш дастурини яратмоғимиз лозим. Ўзбек халқининг авлод-авлодларидан ўтиб келаётган ажойиб шарқона ота-оналик тамойиллари, ота-оналарни шакллантириш; уларни ҳаётга тайёрлаш усуллари, воситалари мавжуд. Биз уларни мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўлидан келиб чиққан ҳолда, жаҳон халқлари ютуқларидан фойдаланиб, маълум бир тизимга солмоғимиз, улардан фойдаланишнинг услуб ва воситаларини ишлаб чиқармоғимиз керак. Бундай дастур ва қўлланмалар бир йил учунгина эмас, балки мунтазам ҳаракатдаги қўлланмалар бўлиб қолмоғи лозим.

Бундай қўлланмаларнинг бош тамойили Ватанга муҳаббат, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида собит қадамлилик, садоқатлилик, меҳнатсеварлик, имонли эътиқодли бўлишни ташкил қилмоғи керак.

Жамиятда оила ролини оширишда оила муаммоларини ўрганиш, оила бирлиги, тотувлигини қарор топтиришда кўмак берувчи ижтимоий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан агар «Оила илмий тиббиётчи маркази» ташкил қилинса, унга медиклар, психиаторлар, демографлар, этнографлар, социологлар, иқтисодчилар, политиологлар сафарбар қилинса ва улар мутахассисликлари йўналишларига кўра ахборотлар тўпланса ва таҳлил қилинса, шулар асосида комплекс ҳаракатларига эга бўлган тавсиялар, маслаҳатлар тайёрланса, халқимиз орасида маданий оқартув ишлари ташкил қилинса ижтимоий ҳаётимиз янада покланган, бойиган бўлар эди.

Маълумки мамлакатимиз ёшлар диёри. Шунинг учун ҳам бизда ҳар минг кишига ўртача 1996 йили 7,4 никоҳ тўғри келади. Шоли курмаксиз бўлмагани каби шаклланган оилаларда ажрим йўқ эмас. 1996 йили у мамлакат бўйича ҳар минг кишига нисбатан 0,9 ни ташкил қилди. Бу умумий кўрсаткич, шу йили шаҳарларда ажрим - 1,6, қишлоқда эса - 0,4 ни ташкил қилди. Бу сўзсиз катта йўқотиш. Агар бу кўрсаткич ҳатто 0,001 бўлганда ҳам энг катта кўрсаткич саналар эди. Чунки оила -- жамиятнинг биринчи бўғини бузиляпти, оиланинг муқаддаслигига путур етмоқда. Шу важдан мазкур нохушликка нисбатан жиддий чоралар кўрмоқ керак. Чора эса унинг ижтимоий, иқтисодий, руҳий, маънавий мотивларини жамлаган ҳолда ва ўзаро таъсирига кўра ўрганиш билан топилади.

Ҳа, «Бекордан худо безор» деган доно халқимиз. Ялқовдан хотин ҳам, фарзанд ҳам, қариндош-уруғ ҳам безор. Аммо ялқов кимгадир фарзанд, кимгадир эр, кимгадир ота. Уни жамиятдан супуриб чиқариб ташлаб бўлмайди. Уни ҳаётга қайтариш лозим.

ҚЎРАСИДА — ҚЎЙ, УЙИДА — БУҒДОЙ

Ўзғаришлар шабадаси

Қишлоқ хўжалигида ўтган йилнинг қандай якунлангани қилинган даромад билан белгиланади. Шу мезон билан қаралганда Пахтачи туманидаги Шомурод Қаҳҳоров жамоа хўжалиги 1997 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Тажрибали ва моҳир пахтакор Маҳмуд Эшмўминов етакчилик қилаётган хўжаликда пахтадан 45 центнердан ҳосил олинди. Пахтакорлар олган даромад 53500000 сўмни ташкил этди.

Ғалладан олинган ҳосил 40 центнерга етди. Ғаллакорлар 5450000 сўм соф даромад олдилар. Сабзавотдан 1700000 сўмлик, полиз маҳсулотларидан 679000 сўмлик, узумнинг ўзидан 630000 сўмлик фойда хўжалик аъзолари ҳисобида қолди.

Сармоя бўлса, турмуш ҳам фаровон кечади. Хўжаликда 3 минг ўринли стадион, 850 ўринли маданият саройи, деҳқон бозори, болалар боғчалари, новвойхоналар, ҳаммом, радио-телевизор, этикдўзлик, кийимкечак бичиш ва тикиш устахоналари аҳолига маиший хизмат кўрсатмоқда.

Хўжалик эришаётган муваффақиятлар асосида раҳбарлардан тортиб оддий ишчи, мутахассис ва ходимларнинг ҳалол меҳнати, астойдил хизмати ётади.

— Ҳар ким ҳар хил шарҳлаши мумкин, аммо менинг назаримда, ютуқларимиз сири хўжалигимиз аҳлининг ҳамжиҳатлигида, қолаверса республикамиздаги тинчлик, барқарорликка бориб тақалади, — дейди фуқаролар кенгаши раиси Абдуҳаким Қаландаров. Дарҳақиқат, хўжаликда яшаётган бир неча миллат вакиллари бир оила аъзоларидек тотув умргузаронлик қилиб, Ватанимиз тараққиётига ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Хўжалик бош ҳисобчиси Саидмурод Қувоновнинг айтишича, хўжалик ўз иқтисодий аҳволини ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлаб олди. Бу эса ижтимоий муҳофаза чораларини кучайтириш имконини бераётир. Доимий маданий тадбирлар ўтказиш ҳам хўжаликда одат тусига айланган.

— Барча экин майдонларимиз мавсумга шай, — дейди бош агроном Зокир Ҳайитов. — Тупроқ хусусиятига қараб минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланган.

Хўжалик аҳлининг қўрасида қўй, уйида буғдой етарли. Барчаси меҳнат туфайли олинган даромаддандир.

Ў. ПЎЛАТОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИШДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ЕТИШМАГАЧ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг1997 йил 25 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақолада Наманган вилоятида деҳқончиликнинг бугунги аҳволи таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар хусусида танқидий фикрлар билдирилган, вазиятдан чиқиш учун, энг аввало, ерга муносабатни тубдан ўзгартириш, хўжалик раҳбарлари, ҳокимлар ишни тўғри ташкил этиши, манфаатдорликни таъминлаши, бунинг учун эса тинимсиз изланиши, ташаббус кўрсатиши, янгиликни ҳаётга татбиқ этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу танқидий мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

1997 йилда вилоят бўйича умумий 199635 гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, шундан 96 минг гектар ерга пахта, 70 минг гектар ерга эса бошоқли ғалла экилди. Давлатга дон топшириш йиллик режаси 103 фоизга уддаланди. Ҳар гектар ердан олинган ғалла ҳосили 34,4 центнерни ташкил этди. 1998 йил ҳосили учун кузги ғалла экиш ишлари ўз муддатида бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1997 йил 21 октябрдаги «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойишида таъкидланганидек, бу йил вилоятда пахта тайёрлашда айрим камчиликларга йўл қўйилди.

Айниқса, Мингбулоқ, Тўрақўрғон ва Чуст туманларида кўзланган ҳосил етиштирилмади. Лекин, шунга қарамай вилоятимизда етиштирилган бор ҳосилни йиғиб-териб олиш учун барча имкониятлар ишга солинди ва давлатга пахта топшириш йиллик режаси 1997 йил 24 ноябрь куни бажарилди.

Вилоятда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйган, мақолада кўрсатиб ўтилган раҳбар кадрларга нисбатан кескин чоралар кўрилди.

Жумладан, Тўрақўрғон тумани ҳокими О. Исматуллаев вазифасидан озод қилинди. Косонсой, Уйчи ва Чуст туманлари ҳокимларига ҳайфсан эълон қилиниб, уларнинг ишда қолиш-қолмасликлари йил якуни бўйича кўриб чиқилиши огоҳлантирилди.

Шунингдек, ишдаги камчиликлари учун Косонсой, Тўрақўрғон, Поп ва Чуст туманлари қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари бошлиқлари ҳамда 8 та жамоа хўжаликлари бошқаруви раислари эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилдилар. Аҳволни бундай холатга келишида эътиборсизликка йўл қўйган вилоят ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан ҳам жиддий чоралар кўрилди.

Вилоятда раҳбар кадрларни ўз хизмат вазифаларига бўлган масъулиятларини қайта кўриб чиқиш ҳозирги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ўрни бўшаган лавозимларга кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида Республика Президенти томонидан илгари сурилаётган кадрлар сиёсатига тўла амал қилган ҳолда иш олиб бормоқда.

Айниқса, жамоа хўжаликлари раҳбари лавозимларига изланувчан, тадбиркор, ёш ва ғайратли, ҳақиқий қишлоқ хўжалиги мутахассислигига эга бўлган кадрлар қўйилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги бундан буён ҳам ишда бепарволикка йўл қўядиган раҳбар кадрларга нисбатан кескин чораларни кўриб боради.

Вилоят ҳокими Т. ЖАББОРОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ЎҒРИНИНГ ОХИРАТИ — ДЎЗАХ

1996 йилнинг 12 ноябрида Сурхондарё вилояти Қизириқ туман суди биносида бир жиноят иши бўйича очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда турли йилларда туғилган Сафаров Нуриддин, Абдураҳмонов Бахтиёр, Мустаффақулов Жўра, Боболов Бекназар, Имомов Абсамат, Пардаев Чори ва Мирзаев Рўзиқуллар содир этган бир неча жиноят кўриб чиқилди. Бу жиноий гуруҳ аъзоларининг аксарияти ҳатто ўрта мактабни ҳам тамомламаган, иш жойларининг ҳам тайини йўқ кимсалардир. Лекин уларнинг кўпининг оиласи, фарзандлари бор...

Дастлаб Н. Сафаров ва Б. Абдураҳмоновлар тергов давомида шахсини аниқлашнинг имконияти бўлмаган икки нафар рус миллатига мансуб шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб уюшган жиноий гуруҳ ташкил қилишади. 1995 йил 28 январь куни соат 12 лар чамасида Қизириқ туман деҳқон бозори ёнида турган қурилиш ташкилотига тегишли бўлган А. Хуррамов бошқарувидаги Т-28 х 4 маркали давлат белгили тракторни улар куппа-кундузи ўғрилаб кетишади. Шўрчи тумани «Далварзинтепа» жамоа хўжалигида яшовчи Пардаев Мусулмонқулга 60 минг сўмга сотишиб, бу пулларни ҳар бири 15 минг сўмдан бўлиб олишади.

Н. Сафаров, Б. Абдураҳмоновлар ҳамқишлоқлари Ж. Мустаффақулов, Б. Боболов ва А. Имомовлардан иборат жиноий «шайка» тузиб бу гуруҳга Н. Сафаров бошчилик қилишни ўз зиммасига олади. 1995 йил 2 август кечаси ярим тунда ўзлари яшайдиган Қизириқ тумани Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг 8-бўлими бедапоясида қўшни хўжалик фуқаролари қўйларини боқиб юрган Исмат Омоновни юзларига ниқоб тортган ўғрилар пичоқ ниқтаб, «ғинг десанг, ўлдирамиз» деб унинг дуч келган жойига роса тепишади. Сўнгра оёқ-қўлларини боғлаб қўрага қамаб қўйишади. Улар оч бўрилардек қўра ичига ўзларини уришиб, қўйларнинг семиз-семизини танлашиб, жами 48 бош бозор нархида 96 минг сўмлик молларни Ангор тумани «Мустақиллик» жамоа хўжалигида яшовчи Ч. Пардаевнинг уйига ҳайдаб боради. Ундан шу қўйларга сотиб беришни илтимос қилишади ва ўзлари жуфтакни ростлаб қолишади. Шундан сўнг Ч. Пардаев юк машина ёллаб, Сариосиёга бориб қўйларни фуқароларга сотиб юборади. Ўша йилнинг октябрь ойи бошларида Охунбобоев номли жамоа хўжалиги марказида яшовчи Ф. Шоназаровнинг уйига ўғриликка тушиб, 10 халта, жами 450 кило буғдойни ўмариб кетишади. Орадан роппа-роса 10 кун ўтгач, яна улар бошқа бир жиноятга қўл уришади. Хўжаликнинг Қизилтом участкасида яшовчи М. Имомовнинг уйига ярим тунда мушукдек писиб келиб битта оқ-қора рангли телевизор, 3 та гиламни ўмариб кетишади. Судланувчилар бу хонадон эгаларига 8 минг сўмлик миқдорда моддий зарар етказишган. Бундан ташқари ҳам жиноятчилар тўдаси яна бир неча марта ўғрилик, товламачилик ва босқинчиликлар қилишган. Нопок йўл билан орттирилган мол-дунё ўртада арра қилинаверган. Аммо улар бу ишнинг охири вой эканини хаёлига ҳам келтиришмасди. Ниҳоят, бу катта ва хавфли жиноятчилар қўлга олинди.

Суд эса жиноий гуруҳ содир этган ўғриликлар тафсилотини аниқ далиллар асосида, гувоҳлар ёрдамида батафсил кўриб чиқди. Суд улар устидан қатъий ва одилона ҳукм чиқарди. Сафаров Нуриддин, Боболов Бекназар, Абдураҳмонов Бахтиёрнинг ҳар бирига 14 йилу 8 ой, Мустаффақулов Жўрага 12 йил, Имомов Абсамат 8 йилу 8 ойга озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди. Бу жиноятчиларга ўзлари билмаган ҳолда шерик бўлиб қолишган Пардаев Чори ва Мирзаев Рўзиқул 3 йил озодликдан маҳрум қилинди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
журналист.

Ўзбекистон ва жаҳон

УНИВЕРСИТЕТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон АҚШ билан ҳар соҳада ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўп ишлар амалга оширилянти. Чикаго шаҳридаги Иллинойс университети шифокорлари Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти билан алоқа қилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ.

АҚШнинг биринчи ҳоними Ҳиллари Клинтоннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида яна бир савобли ишга қўл урилди. Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтида Аёллар саломатлиги маркази очилди. Бу ҳақда марказ директори, тиббиёт фанлари номзоди, Дилмурод Юсупов шундай дейди:

— Республика Аёллар саломатлиги маркази ҳукуматимизнинг Давлат дастури асосида ташкил этилган. Бу дастур «Соғлом авлод учун» дастурининг босқичларидан биридир. Марказимиз замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Бу тиббиёт ускуналарини Чикагодаги ҳамкасбларимиздан олдик.

Марказимизда ишлаётган ҳамма шифокорлар, ҳамширалар АҚШдаги Иллинойс университетининг Таббиёт марказида тажриба ошириб қайтишди. Бу ерда турли касалликларга учраган аёллар, ҳомиладорликнинг муддати ва юкумли касалликларни аниқлаш бўйича тест синовлари, шунингдек, клиник аҳволда бўлган аёлларга тиббий ёрдам бериш ишларини олиб боради.

Республика Аёллар саломатлиги маркази беморларни даволаш ва ташхис қўйишнинг қайси услуби мос эканлигини аниқловчи амалий ва илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тиббий маскан ходимлари хорижда орттирган билим ва тажрибаларини аёл саломатлиги йўлида сарфламоқдалар. Ваҳоланки, аёл соғлиги — юрт бойлиги, келажак авлод баркамоллиги демакдир. Хорижий давлатлар билан мустаҳкам тиббий алоқаларимиз замини ҳам шунга хизмат қилади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ суҳбатлашди.

Сиёсат сабоқлари

АҚШ-ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўтган 1997 йилнинг декабрь ойида дунёнинг икки йирик давлати Туркия ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар яна бир юксак поғонага кўтарилди, дейиш мумкин. АҚШ савдо палатасида АҚШ энергетика вазири Федерико Пенья ва Туркия Бош вазири Месут Йилмаз ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ва музокараларда «Баку-Шейхан» газ қувурлари йўли масаласи ҳам муҳокама қилинган эди. Шу билан бирга, «Туркиянинг янги кун тартиби» — молия-кредит, хусусийлаштириш, солиқ ислоҳотлари ва таълим-тарбия соҳасига сармоя ётқизиш масалаларига эътибор қаратилди.

Клинтон маъмурияти Каспий денгизи минтақасидаги нефтни Ғарб бозорларига етказишда Туркия муҳим аҳамият касб этади, дея ҳисоблайди. Дарҳақиқат, Туркия Кавказ ва Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий тараққиётида ўз географик жойлашуви ва ижтимоий ривожланиши жиҳатидан муҳим ўрин тутади. «Баку-Шейхан» газ қувури йўли тезроқ ишга тушиши истагидан келиб чиққан АҚШ Туркия билан энергетика соҳасидаги стратегик ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Федерико Пенья АҚШ Туркия томони билан уларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжи қондирилгунга қадар ҳамкорлик қилишда давом этишини билдирди. Бош вазир Месут Йилмаз ўз ҳукумати қатъий қарорлар қабул қилишга тайёр эканлигини маълум қилган: «Биз ўтмишдаги сиёсий йўлимизни тўғри изга солмоқдамиз. Унда, эҳтимол, инсон ҳуқуқлари меъёрларига етарлича аҳамият берилмагандир. Биз энди полициянинг ноқонуний ҳаракатларига қарши қатъий курашмоқдамиз», — деб айтди.

Маълумки, халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг муайян меъёрлари мавжуд. Шу икки жиҳатнинг мамлакатда нечоғли барқарор ёки барқарор эмаслиги унинг халқаро миқёсдаги обрў-нуфузини белгилайди. Европа Иттифоқига қабул қилиш-қилмаслигини аниқловчи ўн бир давлат сафига Туркияни қўшмаслик ҳақидаги Европа Иттифоқи қарори тўғрисида Йилмазга савол берилганда, у Туркия бу рўйхатдан айрим қийинчиликларни бошидан кечираётгани, айрим камчиликлари мавжудлиги учун ўчирилганини айтган.

Туркия дунёнинг энг илғор давлатларидан бирига айланиши учун ҳақли равишда интилаётган экан, хусусийлаштириш дастурини тўлиқ бажариш, инфляция даражасини пасайтириш, инсон ҳуқуқлари тараққиётини таъминлаш борасида самарали ишларни амалга оширди. «Бизнинг Европа Иттифоқини кенгайтириш жараёнида иштирок этишимизга тўсқинлик қилувчи бир қанча воқеалар рўй берди», — деб айтган Йилмаз. У, Европа Иттифоқи Туркияга нисбатан чекловчи сиёсат юргизса, унинг ҳукумати жиддий сиёсий чоралар кўражагини ҳам маълум қилган.

Туркия ва АҚШнинг энергетика соҳасидаги муносабатлари ривожи учун ҳуқуқий асос яратилди. Келишувга кўра, иккала томон ҳам дунё миқёсида ўз энергетика манбаларини кенгайтиради, минтақавий ҳамкорлик ривожига ижобий таъсир кўрсатади, Туркия ҳудудидан халқаро бозорларга чиқадиган газ йўллари хавфсизлигини таъминлайди.

Каспий денгизи ресурсларидан фойдаланиш мазкур минтақа ва янги мустақил давлатлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Иккала томон ҳам дунё миқёсида энергетиканинг турли манбаларини кенгайтириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турк газини жаҳонга етказиб бериш, Туркия ҳудудидан жаҳон бозорларига нефть ва газни етказиб бориш борасидаги алоқаларини давом эттиравераді. Томонлар, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, турк қирғоқлари хавфсизлиги, Туркиянинг энергетика лойиҳаларига хорижий сармояларни ётқизиш борасидаги ҳамкорлигини ривожлантирадилар. Энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бойитилган кўмир билан ишлайдиган энергетика объектлари қуриш, ядро энергетикаси ва ядро хавфсизлиги соҳасида фаол ҳамкорлик қиладилар. Томонлар Туркия ҳудудидан ўтувчи «Баку-Шейхан» ҳамда транскаспий нефть ва газ қувурлари йўли қурилишини жадаллаштириш мажбуриятини олдилар. Бу газ қувурлари Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларини жаҳон бозорлари билан боғлайди. Минтақавий барқарорликни таъминлайди. «Интернет» ахборот тизими маълумотига кўра, Шарқ-Ғарб нефть-газ транспорт йўлагини яратиш ғоясини Туркия, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ва Қозоғистон астойдил қўллаб-қувватлайди.

Салим АШУРОВ.

Империя сиёсий разведкаси архивидан

Ҳамдам СОДИҚОВ, тарих фанлари доктори.
Рустам ШАМСУДДИНОВ, Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.
Поён РАВШАНОВ, Қарши Давлат университети проректори, профессор.

ЖАДИДЛАР ВА РУС ДЕМОКРАТЛАРИ

Подполковник Васильев, ротмистр Коробчаков ва ТРМБ бошлиғи Квицинскийлар ҳамкорликда изланиши натижасида Туркистон эсерлари етакчиси Сергей Ососков ҳибсга олинди. Ососков иши бўйича эсерлар жанговар дружинасидан 100 киши жавобгарликка тортилди. Суд ҳукми билан Сергей Ососков 29 июлга ўтар кечаси қатл қилинди. Бу тадбир эса бутун ўлкани оёққа турғизган воқеаларга туртки берди. 1908 йил 22 сентябрда ўқув машқларида 1-Каспийорти батальонининг 4-ротаси аскарларидан Лаврентий Кужьменко, Анисим Хрипченко, Никифор Мальцев ва Петр Клтун Бош губернатор ва унинг мулозимларига қаратиб ўқ узишди. Натижада Бош губернатор Мишченко ва унинг соқчи офицери яраланди. Бу воқеа «ТуркВО қўмондони жонига суиқасд ҳақида» деб аталган тергов материалларида батафсил ёритилган. ТРМБ бошлиғи генерал-адъютант Мишченконинг ярадор қилиниши инқилобчиларнинг Ососков қатлига биринчи жавоби эканлигини қайд қилиб, «бу соҳадаги даҳшатли ишларнинг биринчи йирик кўриниши» эканлигини таъкидлаган. «Туркистон инқилобчилари, — деб ёзган эди Квицинский 1908 йил 17 декабрда Петербургга юборган ахборотида, — ўлканинг бош ҳокимини ҳеч қачон кечиришмайди ва Бош губернатор Мишченконинг ўлими аллақачон ҳал қилинган». Бу ахборотида махфий сиёсий полиция бошлиғи ўзининг эсерлар терроридан қўрқувини ҳам яширмаган: «Худди шу тарзда менинг тақдирим ҳам ҳал қилинган. Бу масалада инқилобчилар кузатуви яхши йўлга қўйилган. Менинг ёрдамчим ротмистр Келлернинг Ашхободга яширин боргани ҳам уларнинг назаридан қочмади». ТРМБ махфий агент «Горнийнинг ахбороти ҳам Квицинский гумонини тасдиқлаган: «Тошкент турмасидаги маҳбус Чернишев муҳим кўрсатма бериш баҳонасида ўзини Туркистон район муҳофаза бўлимига келтирилишини, у ерга боргач бўлим бошлиғи Леонид Антонович Квицинский билан учрашганда эса уни ўлдиришини айтди».

Васильев ва Квицинскийнинг маҳкамалари Тошкент. Чимкент ва Каспий ортидаги эсерлар ташки-

9

лотларини аниқлаб донгдор эсерлар устидан «55 лар жараёни» деб аталган судни уюштирган бўлсалар ҳам инқилобий варақа, хитобномалар ва амалдорларга суиқасд уюштириш ҳамда террор давом этди. 1909 йил 21 февралда Тошкент бош темир йўл устахоналарида «Ўрта Осиё темир йўли Тошкент район қўмитаси» хитобномалари пайдо бўлди. Улар ишчиларни курашга чорлаб, «жандармлар, қўриқчилар ва иғвогарлар билан ўраб ташланган оғир шароитга қарши» кўтарилиш зарурлигини уқтирган. Худди шу ташкилотда иш кўраётган рус инқилобчилари фаолияти ҳақида генерал-губернатор 1909 йил 3 октябрда империя ҳарбий вазирига шундай ёзган: «Инқилобий ташвиқот «бутунроссия темир йўл иттифоқи Ўрта Осиё бўлими» деб номланган темир йўл хизматчиларининг жиноий ташкилоти аъзолари ўртасида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Худди шулар орасида кўпдан-кўп террористик актлар, талончиликлар, фаол чиқишлар содир бўлдики, темир йўл жандармерияси ва полиция мазкур иттифоқ олдида ожиз бўлиб қолди». Генерал-губернатор шу иттифоқ аъзоларидан 200 кишини ўлкадан чиқариб юборган бўлса ҳам, тинчлик бўлмаётганини қўшимча қилган.

Санкт-Петербургнинг қатъий талаби билан сиёсий идоралар фаолияти кучайтирилиб, юзлаб жосуслар, инқилобий ташкилотларга жойлашиб олган иғвогарлар Туркистондаги сиёсий фирқаларнинг таянч нуқталарини бирма-бир йўқ қила бошлади. ТРМБ бошлиғи 1909 йил 3 августда Полиция департаменти Махсус бўлимига тантана билан ахборот йўллади: «Тошкент темир йўл ташкилотини агентура билан ёритиш бу ташкилотнинг Туркистонга қўшни Боку шаҳридан паноҳ топганини кўрсатди. Боку маркази билан агентуранинг алоқаларини тўғарак ишларини ташкилий асосда кучайтириш ҳақидаги кўрсатмалар қаердан келаётганини кўрсатмоқда. Империянинг қай бир ерида қандайдир чиқишга тараддуд кўраётган фирқа марказий қўмитаси «тайёр бўлишга» оид фармойишлар йўлламоқда».

ТРМБ инқилобий ҳаракатнинг яна бир маркази Ашхобод бўлганини ҳам аниқлади. Квицинский шу ҳақда Бош губернаторга йўллаган махфий ахборотида эсерлар, анархистлар, «анархист-спиритидлар федерацияси Тошкент коммунаси» ташкилотлари тор-мор қилингани, қочиб қўйилган жанговар кучлар Ашхободга кўчиб ўтганлигини ёзади. У Ашхободни Туркистон ўлкаси «инқилобий ташкилотларининг иккинчи табиий маркази» деб атаб, Каспийортида эсерлар социал-демократларни четлатиб махфий босмахонани қўлга киритганини билдиради. ТРМБ бошлиғи агентурасига маҳаллий социал-демократлар ва эсерларнинг раҳбарлари маълум экани ва уларни кузатув махфий босмахона изига тушишга имкон берганидан мақтанади. Квицинский 1908 йил 20 ноябрда подполковник Васильевга юборган махфий ахборотида эсерлар маҳаллий гуруҳини қўлга олганини тилга олган бўлса, бошқа бир хабарида эсерлар ва анархистлар уни ўлдириш пайида изма-из юришганини хабар қилган. ТРМБ бошлиги унинг агентураси гектографда яширин хитобномалар чиқарувчи ўқувчи ёшлар тўгарагини ҳам фош қилганини уқтириб ўтади.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

10

Оила— миллат пойдевори

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

асосий сабаби эрлардаги эканини кўрсатмоқда.

Бунинг учун болани туғулишиданоқ меҳнатга муҳаббат, қийинчиликларни енгиш, ўз олдига улуғ мақсадлар қўя олиш руҳида тарбиялamоқ керак. Соғлом инсон учун меҳнат қилиш, чарчаш буюк бахтдир.

Ялқов биринчи галда маҳаллага, қариндош-уруғга, оилага оғир юк бўлса ҳам улар билан жиддий ишламоғимиз керак. Маҳаллада, туманларда уларни рўйхатга олиб, меҳнатга жалб қилишга алоқадор тадбирларни ишлаб чиқмас ва уларни амалга оширмас эканмиз, улар ўсиб келаётган авлодларимизга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Мазкур касалликлардан яна бири бу ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва худбинликдир. Аракхўр нафақат оилани иқтисодий харобага айлантиради, болаларни хору зор қилувчи мавжудод, балки оилани жамоатчилик олдида сазойи қилувчи кимсадир. Уларнинг касофатига кўра неча-неча оилалар пароканда бўлмоқда, болалари етим, орли йигит-қизларга эса «фалончининг» боласи деган совуқ тамғалар босилмоқда, обрўсизлантирилмоқда.

Албатта, биз бундай иллатларни ижтимоий сабаблари, мавжуд механизмлари, уларни бартараф қилиш усуллари, йўлларини атрофлича ва чуқур тадқиқ қилмас эканмиз, оилавий муносабатлардаги тараққиётга эришишимиз оғир кечади. Ўзлигимизни билишимиз, миллий қадриятларимизни тиклашимиз ва уларни замон руҳига мос ҳолда бойитишимиз ҳам сўзсиз оила соғлиғи ва унинг бир бутунлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Бу ўринда оиланинг тарбиявий потенциал масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Оиланинг тарбиявий потенциалини оширувчи муҳим омил оиланинг тўлиқлилигидир. Халқимиз «онали етим—гўр етим, отали етим—шўр етим» деган мақолни кўп ишлатади. Онасизлик бола учун бетакрор фожиа. Унга изоҳнинг ҳам кераги йўқ. Лекин отасизлик ҳам ундан ҳеч қолишмайди. Отасиз ўсган болалар кўпчилик ҳолда керакли бўлган фикр, маслаҳат ва тарбияни ололмайдилар, доимо яккалик оғушида яшайдилар, арзимас сабабларга кўра ёмон одамлар таъсирига тушиб ҳам қоладилар. Бунинг оқибати эса нафақат оилага, балки жамиятга ҳам оғир юк бўлиб қайтади. Шунинг учун болали уйнинг бозор эканлигини ҳеч қачон ота ҳам , она ҳам унутмаслиги, бола олдида ҳар иккаласи ҳам баробар жавоб беришлигини, бола уларнинг ҳар иккаласини боғловчи, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширувчи эканлигини, болани етим қилиш ҳар иккаласи учун ҳам жиноят эканлигини яхши англашлари керак.

Оилавий тарбияда ота-оналарнинг болалар билан кўпроқ бирга, уларнинг соғ ва тарбияли ўсишлари тўғри пропорционал ҳолатда эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Давлатимиз фарзандларимизнинг соғлом, ақлли,эркин бўлиб шаклланишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқда, уларнинг соғлиги-саломатлиги, маърифатли ва маданиятли бўлишлиги давлатимиз томонидан кафолатланган. Бизда 1996 йили ҳар минг кишига 27,3 туғилган бола тўғри келади. Айни вақтда минг кишига нисбатан болалар орасида ўлим 6,2 тани ташкил қилди. Бир ёшгача бўлган гўдаклар орасидаги ўлим 1996 йили 1991 йилга нисбатан ҳар минг кишига олинганда 11,3 га қисқарди. Ваҳоланки, айрим мамлакатларда, жумладан Россияда аҳолининг сони фақат 1996 йилда тўрт юз етмиш беш минг кишига қисқарди ва ўлганларнинг сони туғилганларга нисбатан 1,6 мартага кўпайди. Ҳа, албатта ҳар бир мамлакатнинг ўз табиати, ўз турмуш тарзи, тақдири ва келажаги бор. Инсонни азизлаган юртни, давлатни худо ҳам азизлайди. Бу юртнинг келажаги албатта порлоқ бўлади.

Мамлакатимизда жаҳонда биринчи бўлиб бошланган соғлом авлод учун кураш, оила манфаатларининг ҳуқуқий асосоларини яратиш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий, манфаатларини ҳар томонлама такомиллаштириш учун шарт-шароит яратиш, унинг маънавий аҳлоқий асосларини янада бойитиш, ёш авлодни тарбиялашдаги ота-онанинг ролини ошириш бобида янада чуқурроқ ва кенг қамровли ишлар олиб борилмоқдаки, буларнинг барчаси келажаги буюк давлатимизнинг бебаҳо заминларидир. Чунки улуғ давлат улуғланган оиладан бошланади.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ, Тошкент Молия институти ректори, академик.

3

4

Қадимий анъаналар

ПИРАМИДА «ГУВОҲ»ЛИГИДА НИКОҲ

Жаҳон халқлари қадимий анъаналарни ҳамиша юксак қадрлаб келадилар. Никоҳ оила ибтидосидир. Ирқи, миллати, мазҳабидан қатъи назар дунё ёшлари илоҳий муҳаббат, муқаддас оила, никоҳ фалсафасига янада теранроқ қарашмоқда. Айниқса, Шарқ фалсафасига бугунги ёшлар алоҳида зеҳн билан ёндашадилар. Шу йилнинг сўнгги ойида Миср тарихий обидалари бағрида кўплаб никоҳ маросимларининг бўлиб ўтиши ҳам шундан далолатдир.

Яқинда япониялик икки ёш Лускор обидалари мажмуасига кирувчи Хатшебсут ибодатхонаси остонасида ўз тўйларини нишонлашганди. Русиялик Василий ва Ольга эса Мисрдаги энг улкан Хэпос пирамидаси «гувоҳ»лигида никоҳдан ўтишди. Келин-куёв тўйларини қадимий Миср тупроғида, асори-атиқалар юртида нишонлашиб, мамлакатнинг тарихий Лускор ва Асвон туманларида асал ойини ўтказадиган бўлишди.

Қадимда, тарихий манбалардан маълум бўлишича, илоҳий муҳаббат билан бир-бирига интилувчи икки қалб тарихий, муқаддас жойлар гувоҳлигида никоҳдан ўтишга одатланганлиги қайд этилгандир.

Таиландликларнинг янги йил ниқоблари.

Турфа одам

МУЗЛАТИЛГАН «ЎЧ»

Австралиялик эркаклар кўпроқ қотмадан келган, озғин аёлларни ёқтиришади, шекилли. Сидней шаҳрида яшовчи Дин Куин семиз хотинларни кўришга сира тоқати йўқ эди. Бахтга қарши хотини миссис Куинн салмоқлигина тош босарди. Эр хотинидан тинмай «енгиллашиш»ни талаб қилар, хотиннинг эса, борган сари иштаҳаси карнай бўларди.

Эр хотинидан қандай ўч олиш режасини туза бошлади. Ахири сўнгги чорани топди. Музлатгичга кириб, ўз жонига қасд қилди.

«Музлаган эр»ни кўрган хотин аввалига гап нимадалигини тушунолмади, сўнг қоғоздаги ёзувга кўзи тушди: «Жиғилдонингга ур, бу гўштниям, нафси бузуқ!»

Репортёрларга миссис Куиннинг айтишича, икки ҳафта илгари эри «ё овқат, ё мен» деб шарт қўйган экан. Ишнинг шу даражада жиддийлашишини ўйламаган хотин эрининг шартига кўпам аҳамият бермай, икки ҳафталик дам олишга жўнаб кетган. Кетар чоғи йўл олдидан бор-йўғи икки килоча гўшт билан «енгилгина тамади» қилиб олибди.

Нафси бузуқ хотин ҳалиям «айбим нима?» деб тушунолмай елка қисар экан.

ҚОТИЛ АЁЛЛАР ШУҲРАТИ

Америкада қотил аёлларнинг мислсиз шуҳратга эга бўлаётганликларини руҳшунос олим Чарлз Эвинч шундай изоҳлайди.

«Аёллар одатда жуда кам ҳоллардагина қотиллик қилишади. Бундай вазиятда ўзлари кучли руҳий инқироз таъсирида бўлишади. Машҳурликларининг сабаби эса, аёллар ўзларига қилинган хиёнатни кечира олмасликлари боис, деб ўйлайман».

Дарҳақиқат, американликлар бошларига кўтараётган бу қотил аёлларнинг барчаси хиёнаткорлиги учун эрини отиб ташлаган ёки бошқага уйланиб кетганлиги учун ана шу мудҳиш ижрога қадам қўйишган.

Бир умрлик қамоқ муддатига ҳукм қилинган Жин Херрис яқинда озодликка чиқди. Нью-Йорк губернатори Марио Куомо Херрисни ҳимоя қилиб ёзилган минглаб мактубларни олгач, уни маҳбусликдан озод қилишга қарор қилди.

Херрис қизлар учун мўлжалланган обрўли бир мактабнинг директори эди. Кейин тўсатдан ўзининг қадрдон севгилиси, ёзувчи доктор Херман Гер-ноуэрни отиб ташлади. Уларнинг кўп йиллик муносабатлари тарихида бечора аёл Херманнинг хиёнатларига чидаб, сезса-да сезмаганликка олиб келарди.

Бироқ Херман ўзининг ёшгина котибаси билан ўйнаша бошлагач, чидаб тура олмади. Бир куни у тўппонча билан котибанинг Нью-Йоркдаги хонадонига ташриф буюрди. Ва эри билан унинг машуқасини тушақда ушлаб олди. Херманни шу ерда отиб қўя қолади.

Калифорния қамоқхонасида ҳозир бир умрлик жазо муддатини ўтаётган Элизат Беттининг иши ҳам 80-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган эди. У пайтлар Бетти жамоатчиликнинг юлдузи ҳисобланарди. Тўрт фарзанднинг онаси, ҳамиша бекаму-кўст, сўнгги фасонда кийинган бу бахтли аёлга кўплар ҳавас билан қарашарди. Бироқ, унинг бу бахтли ҳаёти эри Даниэл Бродерикнинг Линда исмли ёшгина қизни учратиб қолиши билан барҳам топди. Дэн ажримга ариза беради.

Ярим йилдан сўнг эса Дэн ва Линда ҳашаматли тўй қилишади. Айнан шу кунларда Бетти хуфёна севишганларнинг уй калитини ўғирлашга муваффақ бўлади. Бир куни тунда эса хонадонга яширин ташриф буюриб, собиқ эри ва унинг хотинини отиб ташлайди.

Ҳозир Бетти Американинг турли бурчакларидан минглаб хатлар олади. Унда муштарийларнинг Бетти билан фахрланишлари баён этилган. У ҳақда иккита телефильм ишланди. Айни пайтда қайси бир адиб китоб ёзмоқда.

Хуллас, машҳурликнинг йўли кўп экан.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 5 yanvar, dushanba № 2 (22.239).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Шунчаки...

ЎТГАН ЗАМОНДА...

БИР «РАҲБАР » ЎТКАЗГАН ЙИҒИЛИШДАН

«Ворошилов», сиз қачон пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарасиз? Мана, учинчи йилдирки, «Новороссийск»дан қолиб кетяпсизлар. Ўтган йил ҳам «Будённий» сиз билан мусобақалашиб, ўзиб кетган эди. Меҳнат қилиш, «Жуков»га тенглашиш керак, ахир.

Ўртоқлар, камчиликларимиз жуда кўп. «Крупская» агар бу йил ҳам сут сотиш режасини бажармасангиз, «Ленин»га қўшиб юборамиз. Бошқа илож йўқ.

«Сталин»даги боғларимизнинг олмалари ҳам, йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Мана «Космодемяньская»никини олма деса бўлади. Ҳар бири «Хрушчев»никидан икки баробар катта. Ҳосил ҳам «Ульянов»никидек мўл.

«Маркс» билан «Люксембург», сизларга нима бўлди? Ерингиз, сувингиз бир, аммо ҳосилдорлик «Энгельс»никидан паст.

«Гагарин» ҳам ишни яхши ташкил этмаган. Ўтган ойда у фермадаги ҳар икки товуқдан бир донадан тухум олинган бўлса, «Куйбишев»дан бир ярим донадан тухум қабул қилдик.

Ўртоқлар, ҳеч бўлмаганда «Жданов»дай меҳнат қилайлик. Бу хўжаликда «Ильич» биринчи бўлиб шудгорлашни якунлади. «Москва» ва «Ленинград» ҳам «Одесса»дан кейин далани бўшатди. «Тула» эса бу борадаги режани биринчи бўлиб уддалаган эди...

Шунинг билан бугунги мажлисимизга якун ясаймиз. Соат 14 да «Социализм»да кенгайтирилган йиғилиш, кеч соат 19 да эса ҳамма «Коммунизм»да бўлиши шарт...

Муслим БЕК.

СПОРТГА ЭЪТИБОРДАН ДАЛОЛАТ

Наманган вилоятида жисмоний маданият ва спортга эътибор йилдан-йилга ошиб боряпти. Яқинда Наманган шаҳрининг Мингчинор даҳасида янги замонавий спорт мажмуи қурилиши бошланди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган мазкур қурилиш таркибига сузиш ҳавзаси, гимнастика, кўл тўпи ўйинлари ва бошқа қатор маданий-маиший биноларни ўз ичига олади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Таниш-нотаниш одамлар

ОҚ «ҚЎЧҚОР», ҚОРА ҚЎЧҚОР ВА ҲОТАМТОЙ ҚАССОБ

— Қассобчилик менга отамерос касб — дея ҳикоя қилади деновлик Турсун Тошев. — Қишлоқчилик, кимдир қўй, бошқа биров мол сўйиб беришимни илтимос қилиб тез-тез уйга келади. Имконим борича уларнинг ҳожатини чиқараман.

Лекин бир воқеа сабаб бўлдию, кейинги пайтларда уй эгаларидан нечта қўй ёки мол сўйиш кераклигини, уларнинг рангини қайта-қайта сўрайдиган бўлдим.

... Яқинда қўшнимиз Абдураҳмон Тўра чақириб қолди. Уйига бордим. Меҳмонхонада 4—5 киши чақчақлашиб «оқ»идан «уриб» ўтирган экан. Меҳмонлар билан сўрашгач, Абдураҳмонжон: — Турсун ака, қўрага бориб ўзингизга ёққан қўчқордан учтасини «ағдаринг». Иккитасининг ранги оқ, биттасиники қора бўлсин, деди. Оқ қўчқорлар ҳам қўрада. Гилам билан ёпилган. Ростини айтсам, аввалига ҳеч нарсага тушунмадим. Наҳотки 4—5 кишига учта қўчқор сўйилса-я, дея ўйладим. Меҳмонларнинг олдида қайта сўраш ҳам одобдан эмас. Улар «нозикроқ» жойдан бўлса керак, деган ўй хаёлимдан ўтди. Қоронғуда амаллаб қўрадан иккита оқ ва битта қора қўчқорни етаклаб чиқдим. Учинчи қўчқорнинг гўштини энди саранжомлаб бўлувдимки, қўшним келиб қолди.

— Ҳа қассоб, намунча кечикяпсиз?

— Қўй сўйиш ароқ ичиш эмас, қўшни — дедим ҳазиллашиб. — Безовта бўлманг, мана, ҳозир тайёр бўлади. Ўзиям роса боқилган экан. Ҳар биттаси 50 килодан гўшт қилди-я — деб уйилиб турган гўштни кўрсатдим. Қўшним: — Нима?! — дедию кулиб юборди. Маълум бўлишича, у менга битта қўчқор сўйиб, иккита ароқ олиб келишни тайинлаган экан...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ю. БЕКМУРОДОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Табобат ва эътиқод

РЎЗА — ИЛОҲИЙ ЗИЙНАТ

Рамазон ойи барча мусулмонлар учун азиз ва муқаддасдир. Ҳақиқатан, ўн тўрт асрдан буён башарият оламини ҳидоят учун даъват этиб келаётган Қуръони карим ҳам ушбу ойда нозил бўлган. Унинг илоҳий кўрсатмаларига амал қилганлар икки дунёда саодатли бўлишларига ҳеч бир шубҳа йўқдир.

Рўза тутиш эси-ҳуши бутун, балоғат ёшига етган ҳар бир мусулмонга буюрилган. Шу билан бирга рўзадан вақтинча озод бўлиш шартлари ҳам кўрсатилгандир. Ёши улғайган кексалар, Рўза тутишга қодир бўлмаганлар, кимки хаста ё сафарда бўлса, ҳомиладор, эмизикли, ой кўрган аёллар вақтинча рўза тутишдан озод қилинади.

Негадир биз рўза туфайли оч қолишнинг зарари ҳақида кўпроқ гапирамизу, лекин сурункали, тартибсиз бўкиб овқатланиш ўта зарарли эканлигини кўрмасликка оламиз. Ваҳоланки, америкалик олим Бенжалин Франклин бундан 200 йил аввал: «Инсон овқат тайёрлашни билган вақтдан бошлаб, ўз табиати талаб қилганидан икки баробар кўп овқатланади», — деган эди. Ҳозирги кунда ҳам бизнинг замондошларимиз ўз табиати талаб қилганидан 2—3 маротаба кўп овқат истеъмол қилишлари ва бунинг оқибатида турли хил касалликларга дучор бўлаётганлари маълум.

Машҳур араб табиби, табобат фанлари доктори Муҳаммад Жаъфар қуйидаги касалликларга чалинган беморларга рўза тутиш ман этилишини қайд этган:

1. Сил ва анемия (кам қонлик) каби ҳолсизлантирадиган касалликларга, ўпка хасталикларига чалинган ва юрак уруши сусайган беморлар;
2. Ошқозон-ичак касаллигига чалиниб, қайт қилиб турадиган ва юрак буруғи (дезентерия) билан касалланганлар.
3. Меъда, ўн икки бармоқ ичагида касали бўлганлар.
4. Иситмаси бўлган беморлар. Чунки улар ҳарорат таъсирида кўпроқ сув истеъмол қилишни истайдилар (Иситма—дузах ўтларидандир. Уни сув билан ўчиринглар, Ҳадиси шарифдан!).
5. Ҳафақон касалига учраганлар ва қон босими паст бўлган беморлар.
6. Касалдан янги ёққа турганлар, операциядан янги чиққанлар жисмоний заифлар.
7. Ҳомиладор аёллар, ёш болали оналар, ёши ўтиб қолган қариялар.

Рўза тутиш ёки тутмаслик врачларнинг дин таълимотларига зид бўлмаган тавсияларига боғлиқдир. Ислом дини инсонга енгиллик туғдириб беришга, уни турли зарарли одатлардан ҳимоя қилишга амр этади.

Рўзанинг фазилатларини баён этиш учун фасоҳат соҳибларининг қаламлари ҳам ожизлик қилади. У шундай беназир ибодатлар сирасига кирадиким, унинг замирида инсоннинг иродасини, маънавиятини мустаҳкамлаш, уни руҳан ва ахлоқан тарбия этиш, сабру-қаноатга ўргатиш, нафсоний ва шаҳвоний орзу-ҳаваслларга чек қўйишга кўникма ҳосил қилишга одатлантириш каби мақсадлар етади.

Ҳадиси шарифда Оллоҳ таоло шундай деган: «Одам боласининг рўзадан бўлак барча амаллари ўзи учундир. Рўза эса мен учундир ва мен Одам боласини рўза туфайли мукофотлайман. Рўза жаннатдир. Жаннатда бир эшик бор. Унинг номини Райён деб аталади. Қиёмат кунида у эшикдан фақат рўза тутганлар кирадилар, улардан бўлак ҳеч ким кирмайди». Уч тоифа кишиларнинг дуолари рад этилмайди: 1. Оғиз очаётган рўзадор. 2. Одил Имом. 3. Зулм кўрганлар. Кимки Рамазон ойида иймон ва умид билан рўза тутса, унинг илгари қилган гуноҳлари мағфират қилинади. Рамазон кейинги рамазонгача қилинган гуноҳларга кафолатдир, токи, улар оралиғида гуноҳи кабиралар содир қилинмас. Яна: Рўзани кўз, тил, қулоқ, оёқ ва қўл билан тутиш керак дейилади. Кўзнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаъйи (шариат ман қилган нарсалар) нарсаларга боқмайди. Қулоқнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношарий сўзларни эшитмайди. Тилнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий сўзламайди.

Хулоса шуки, Рамазон ойида иймон билан Рўза тутиш ҳар бир инсонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан тозалайди, уни худбинликдан, ёмонликдан, зарарли одатлардан, гуноҳи кабиралардан узоқлаштиради, ногирон ва камбағалларга эҳтиром ва эҳсон қилиш ҳиссини уйғотади. Қалбини мусулмонларга хос илоҳий зийнат билан бойитади, Худои таолога яқинлаштиради. Ҳар бир каттаю-кичик одамнинг энг ёвуз ва даҳшатли душмани нафс васаласидан руҳан тозаланишига сабаб бўлади.

Тоҳирий Абдувоҳоб АБДУРАҲИМ ўғли.

Менинг «йўлбарсларим» зўр.
Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — ЎЗБЕКИСТОН (СОРОС ЖАМҒАРМАСИ)

«Саёҳат учун грантлар» конкурсини эълон қилади.

Конкурс конференция, семинар, симпозиум, конгрессларда докладлар билан қатнашмоқчи, лекин маблағи етарли бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари учун ўтказилади.

Бундай илмий тадбирлар:

* Таълим	*Ижтимоий фанлар
*Фуқаролик жамияти	*Экология
*Демократик институтлар қуриш	*Экономика
*Ҳуқуқий ислоҳот	*Медицина
	*Кутубхона

каби соҳаларда ўтказилиши лозим. 1998 йилнинг 1 апрелдан 30 июнгача бўлиб ўтадиган чора-тадбирларда қатнашиш учун аризалар қабул қилинади. Аризаларни 1998 йилнинг 20 февралигача Очиқ Жамият Институтига топшириш керак.

Ушбуларга грант берилмайди: коллектив аризалар; спорт, дин, саёҳат ва бизнес билан боғлиқ саёҳатлар; чет элда ўқишни; фестивал, конкурс, кўрикларда қатнашув; илмий тадқиқотлар ўтказиш, табиий фанлар.

Ариза формасини Очиқ Жамият Институтидан олишингиз мумкин.
Манзилгоҳ: Тошкент, 700100, Ивлев кўчаси, 41 (Океан магазини ёки Шота Руставели кўчасидаги Туркия коллежи яқинида).
Телефон/факс: (3712) 40-68-54 ва 55-61-60, 54-82-43.
Электрон почтаси:<osi@osi. freenet.uz>/

Эслатма: Офис 25 декабрдан 5 январгача ёпиқ бўлади.

Латифалар

СОФДИЛ БИЛЛ

Судда гувоҳ кўрсатма бера туриб деди:

— Билл — қишлоғимиздаги энг ҳалол, энг ҳурматли одам ҳисобланади. Ниманики йўқотсак, фақат Биллникидан топамиз.

НИМА ХИЗМАТ?

Мағрур мижоз адвокатнинг сал попугини пасайтириб қўймоқчи бўлди. Адвокатнинг ҳузурига бетакаллуф кирди-да:

— Чўчқаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи адвокат сизмисиз? — деди.

— Худди шундай, хизматингизга тайёрман, — деди адвокат.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО"
предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА за 1тн (сум)	№ ТЕЛЕФОНОВ
1.	Стальмелкосортная		
	Периодический профиль 12, мм	31000	483064
	Периодический профиль 16 мм	29000	483064
	Круг 16 мм	30000	483064
3.	Сталь инструментальная круг 12-20 мм ст У8А	30200	483064
4.	Балка 30	58300	483064
5.	Жесть черная 0,25х890 в рулонах	90000	483064
6.	Проволока стальная пружинная 0,6-0,8 мм	47000	484707
7.	Заклепки стальные	7200	484707
8.	Титановый прокат	550000	485031
9.	Сетка дорожная	договорная	484707
10.	Трубы чугунно-напорные Д-65 мм	50000	484766
11.	Трубы чугунно-канализационные д.150 мм шт	1710	484766
12.	Сталь крупносортная в том числе		
	уголок 50х50	32000	483064
	уголок 100х100	60500	483064
	уголок 140х140, 160х160	58300	483064
13.	Куртка ватная	договорная	484078 486272

Наш адрес: г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.

«ОСИЁ—ВОЛГА»
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини

СОТАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 а уй, 221-хона
Тел\факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.



ТОСКЕНТ СУТ

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"ТОШКЕНТСУТ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ "ТЕТРА ПАК" ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН 1 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН СУТНИ, ШОКОЛАДЛИ, ҚУЛУПНАЙЛИ ВА БАНАНЛИ СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК 0,2 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН ОЛМА,

АПЕЛЬСИН, МАНДАРИН ҲАМДА ШАФТОЛИ ШАРБАТЛАРИНИ СОТАДИ.

СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ МУДДАТИ — 4 ой
ШАРБАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ МУДДАТИ — 1 йил.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР МАВЗЕСИ, 26-ДАҲА. "ТОШКЕНТСУТ"

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 72-05-80, 72-02-81.

ЎзАСК "ЙЎЛОВЧИ" ҲЖ
Тошкент филиали

ГАЗ-24, ГАЗ-53, МАЗ. КамАЗ автомобилларининг кенг турдаги эҳтиёт қисмларини *таклиф этади.*

Автомобиль эҳтиёт қисмларининг 300 дан ортиқ тури мавжуд
Ҳақ тўлаш-пул ўтказиш ёки вексель йўли билан.

Манзилгоҳ: Тошкент, Ойбек кўчаси,47 Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс (3712) 54-76-31